



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 8 (10.817)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

Кечка сатрларда

● **ФИДОКОРЛАР** Миллий демократик партияси Сергели тумани Кенгаши ташаббуси билан тумандаги Политехника коллежидан Куролли Кучларимизнинг ва республика Байналмилал маданият марказининг 15 йиллиги муносабати билан туманда фаолият олиб боровчи қозоқ, уйғур, корейс ва рус миллий маданий марказлари билан ҳамкорликда «Шу азиз Ватан барчамизники, уни химоя қилиш муқаддас бурчимиз» мавзусида тадбир ўтказилди.

● **БУГУН** Тошкент Ахборот технологиялари университетида 14 январь — Ватан химоячилари кунига бағишлаб ўтказилган тадбир «Ватанимиз содиқ ўғлонлари» деб номланди.

● **БУГУН** Шайхонтоҳур туманидаги ҳарбий қисмда Ватан химоячилари кунини муносабати билан уюштирилган тадбирда аскарлар, офицерлар иштирок эттиди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ХИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Куролли Кучларимиз сафларида бугун она-Ватанига садоқатли, ватанпарвар, юртимизнинг муқаддас сарҳадлари, ҳалқимизнинг тинчлиги ва оқсоғишалиги, мусоффо осмонимизни муносиб химоя қила оладиган мард, жасур, маънан ва жисмонан баркамол, азамат ўғлонлар хизмат қилмоқда. Ватанга хизмат қилишни ўзи учун шон-шараф деб билган ўғлонлар сафининг ортиси эса Ватан химоячиларига мамлакатимизда кўрсатилаётган юксак эҳтиром, ғамхўрлик ва Куролли Кучларимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасидир.



она заминимиз, тинч-осуда ҳаётимиз химоячисидир. Шунинг учун ҳам улар катта эътибор, эъзозу эҳтиромга муносибдирлар.

Байрамнинг кутлуг бўлсин, она-юртимизнинг шон-шавкатли паҳлавонлари, бурч ва масъулиятни қучур ҳис этиб постида сергак турган алп қомат лочинлари, элига садоқатли посбонлари.



14 январь — Ватан химоячилари кунини. Муштакил Ўзбекистонимизда бу кун катта тантана билан нишонланади. Чунки Ватан химоячилари — бу аждодларимиз яшаб ўтган, улар жонини тийиб химоя этган, бугун биз яшаётган ва эртага биздан фарзандларимизга мерос бўлиб қоладиган табаррук

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокату.

Тошкент шаҳри Ислол маданияти пойтахти, деб эълон қилинган муносабати билан Сиз Жаноби Олийларини самимий қутлашдан беҳад мамнунман. Қайд этмоқчиманки, ислом дунёси имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий ва ал-Беруний, аз-Замхшарий ҳамда Баҳроуддин Нақшбанд каби буюк уламоларнинг инсоният цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини эътироф этади ва юксак баҳолайди.

Ўз навбатида, Тошкент шаҳри Ислол маданияти пойтахти, деб эълон қилинган Сиз Жаноби Олийларининг илм ва маданиятни ривожлантириш ҳамда ислом цивилизациясини сақлаб қолиш йўлида амалга ошираётган саъй-ҳаракатларингиз араб ва ислом мамлакатлари томонидан тан олиншининг яққол далили бўла олади.

Уйлайманки, ислом дунёси Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби Ўзбекистон шаҳарларининг тарихий обидалари ва маданияти билан фахрланишига ҳақлидир.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ҳамда Ўзбекистон халқига тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Чуқур ҳурмат билан,

Мухаммад Сайид ТАНТОВИЙ,
Мисрнинг «Ал-Азхар» мажмуаси шайхи,
бош имом.

Шаҳар сайлов комиссиясида

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТДАН ЎТДИ

КЕЧА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING НАВАТДАГИ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

2007 йил 28 январь кунини бўлиб ўтқанига иккита сайлов округи бўйича бўшаб қолган ўринларга сайловларда амалдаги барча бешта сиёсий партиялар иштирок этади. Шаҳар сайлов комиссиясига қонунчиликда белгиланган муддатга қадар сайловда иштирок этиш юзасидан ЎзЛиДеП, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси ва Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси шаҳар Кенгашилари томонидан ҳужжатлар ҳамда бўшаб қолган ўринларга номзодлар рўйхати вақтида тақдим этилди.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясидан ташқари, қолган тўртта сиёсий партия томонидан тенг равишда — ҳар бир округ бўйича биттадан номзод кўрсатилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»-ги Қонунининг 22-моддасига мувофиқ 15-Февруза сайлов округи бўйича ўзини ўзи бошқариш органи томонидан ҳам номзод кўрсатилди. Шаҳар сайлов комиссияси депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларини ҳамда номзодларнинг тегишли округлардан овозга қўйилишига рози эканликлари тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиб, бўшаб қолган ўринларга номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шундай қилиб, 15-Февруза сайлов округи (Мирзо Улугбек тумани) бўйича олти, 52-Уста Ширин сайлов округи (Юнусобод тумани) бўйича — тўртта, умуман бешта сиёсий партия ҳамда ўзини ўзи бошқариш органи томонидан кўрсатилган 10 та номзод иккита сайлов округида, демак Тошкент шаҳар Кенгашининг депутатлик корпусида бўшаб қолган иккита ўрин учун беллашади.

Кўрсатилган номзодларнинг уч нафари — аёллар. Шулардан иккитаси Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси ва биттаси — Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан кўрсатилган. Қайд этилган Қонунининг 22-моддасига мувофиқ депутатликка номзодлар танлаш тартибини сиёсий партияларнинг ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзлари белгилайдилар. Шу билан бирга хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида 30 фоизини ташкил этиши ҳам белгиланган. Қўйлаётган сайловлар бўшаб қолган иккита сайлов округи бўйича ўтказилишига қарамайдан, айрим сиёсий партияларнинг кенгашлари қонуннинг ушбу моддасидан мақсадли фойдаланиш истагини билдирди.

Рўйхатга олинган кундан бошлаб ҳар бир номзод (қўйида рўйхат чоп этилмоқда) ташвиқот ишларини олиб боришга ҳақлидир. Барча сайлов иштирокчилари — депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга қонунчиликка биноан шаҳар сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилди. Шуларни инобатга олган ҳолда йиғилишда депутатликка номзодлар ҳамда бевосита сиёсий партиялар ўз ташаббусларига кўра, Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг пойтахт каналлари, шунингдек, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» (телефон 136-53-10) газеталари тахриратларига ўз сайловчиларини сайловолди дастурлари ва партияларнинг режа ва вазифалари билан оммавий ахборот воситаси орқали таништириш учун муҳожаат этишлари мумкин. Ўз навбатида тегишли тахриратлар қонунчиликда белгиланган меъёрларга асосан ҳар бир сайлов иштирокчисига бепул тарзда бир маротаба тенг газета майдони ва эфир вақти тақдим этиши керак. Шунингдек, жойлардаги участка сайлов комиссиялари томонидан барча номзодлар учун мутлак тенг шaroитларга риоя этилган ҳолда имкониятлар яратиб берилиши керак. Махаллий ҳокимият органлари ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудий жойлашувидан келиб чиққан ҳолда номзодларга йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган бинолар акраттишлари, сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материаллари олишда ёрдам кўрсатишлари шарт. Эслатиб ўтамиз, бўшаб қолган ўринларга сайловлар 2007 йил 28 январь кунини бўлиб ўтади, демак номзодлар ташвиқот ишларини сайловдан бир кун олдин — 27 январь кунини тутатишлари лозим.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси

ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бўшаб қолган ўринларга Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни ва депутатликка номзодларнинг тегишли округлардан номзодларини овозга қўйилишига рози эканликлари тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиб, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 24, 44-моддаларига мувофиқ Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кўрсатилган қўйидаги депутатликка номзодлар рўйхатга олинсин:

Сайлов округининг сони ва номи	Депутатликка номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили, партияга мансублиги, эгалаб турган даража, (мансуботларнинг тури), иш ва турар жойи	Депутатликка номзодли кўрсатган органнинг номи
Мирзо Улугбек тумани			
15-ФЕВРУЗА	Ахмеджонов Бурхон Бахорал угли	1977, ЎзЛиДеП, «Диком Сервис» масъулияти чекланган жамияти директори, ЎзЛиДеП Мирзо Улугбек тумани Кенгаши раиси, Тошкент шаҳри	Тошкент шаҳар Кенгаши
	Ахмедова Шависта Рашидовна	1958, ЎзХДП, 101-халқ болалар мактаб-интернати директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Ал-Орифжона Саид Жамалов угли	1975, Ўзбекистон «Адолат» СДП, Ўзбекистон «Адолат» СДП сиёсий Кенгаши марказий аппаратининг маффура, ички ва ташқи алоқалар бўлими муdiri, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Иргашев Шавкатбек Турдиевич	1964, партияси, Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани ҳокими, Тошкент шаҳри	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи
52-УСТА ШИРИН	Мелиев Рузали Собирович	1963, Ўзбекистон МТДП, «Чинобод» сўғаттоқи бошқаруви раиси ўринбосари, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон МТДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Нарзулаева Гузал Нормурадовна	1959, Ўзбекистон ФМДП, 20-оилавий поликлиника бош фидофори, Тошкент шаҳри	ЎФМДП Тошкент шаҳар Кенгаши
Юнусобод тумани			
52-УСТА ШИРИН	Мамадалиев Раҳматжан Холдажонович	1964, Ўзбекистон ХДП, «Ўзбекхўшлоқ» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Мирализова Насиба Кадировна	1962, Ўзбекистон ФМДП, Тошкент шаҳар «Тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар» жамоат бирлашмаси раиси, ЎФМДП шаҳар Кенгаши котиби, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон ФМДП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Насимов Нурулла Сагдуллаевич	1950, ЎзЛиДеП, Тошкент шаҳар Касабо уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг раиси, Тошкент шаҳри	ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши
	Эгамбердиев Сиражиддин Уразидинович	1959, Ўзбекистон «Адолат» СДП, «Саяхат-трейдинг» Ўзбекистон-Германия-Туркия қўшма корхонаси бош директори, Тошкент шаҳри	Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси раиси
А.АБДУРАХМАНОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 11 январь

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимлари иштирокидаги минтақавий семинар бошланди.

● Марказий ҳарбий округга қарашли қисмда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил этилганлигининг 15 йиллиги ҳамда Ватан химоячилари кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● Фарғона гарнизони Офицерлар уйида «Мардлар кўриклайди Ватани!» мавзусида аскар кўшиқлари танлови ўтказилди.

● Ўзбекистон Куролли Кучларининг Марказий музейида анъанавий 7-умумармия бадий кўргазмаси очилди.

● Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида кўрикхоналар ва миллий боғлар фаолиятига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда қўмитанинг Бионазорат бошқармаси мутахассислари, республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ходимлари ва кенг жамоатчилик иштирок этди.

● «Соғлом авлод учун» халқроқ хайрия жамғармасида ўтган йил сарҳисоби ва келгусидаги режаларга бағишланган анжуман ўтказилди.

● Андижонда жойлашган «Инвесттекс» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси асосан трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, 2006 йилда бу ерда 384 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Жорий йилда эса 3,5 миллион дона болалар, аёллар ва эркеклар ички кийимларини тайёрлаш кўзда тутилган.

● Сайидо Насафий номли Қашқадарё вилоят ахборот-кутубхона марказида «Фуқаролик жамияти шаклланишида ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

● «Unitel» МЧЖнинг Намангандаги дилерлик шохбасининг янги офиси иш бошлади. Мижозларга катта қулайлик яратувчи янги марказнинг тақдирот марросимида компания томонидан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига «Дамас» русумли «Тез ёрдам» автомобили берилди.

● Наманган вилоят марказидаги 7-умумтаълим мактаби Осиё Тараққиёт банкининг махсус лойиҳаси иккинчи босқичида муваффақиятли қатнашиб, грант соҳиби бўлди. 12700 АҚШ доллари миқдоридagi бу маблағга дарсликлар, ўқув қўлланмалари, компьютер ва бошқа техника воситалари олинади ҳамда билим даргоҳида ахборот-ресурс маркази ташкил этилади.

ЖАҲОНДА

● Никарагуанинг янги раҳбари Даниэль Ортега президентлик қасамёдини қабул қилди. Инаугурация маросимига Венесуэла, Боливия, Эквадор давлатлари президенти Уго Чавес, Эва Моралес ва Рафаэл Корреал таширф бўюди.

● Туркиянинг Европа Иттифоқига кириш учун зарур бўлган ислохотларни давом эттириши тўғрисида мамлакат ташқи ишлар вазири Абдулла Гул баёнот берди. Унинг таъкидлашича, ислохотлар нафакат сиёсий соҳада, балки кундалик турмушда ҳам амалга оширилади.

● Грузида ўлим жазоси Конституция доирасида бекор қилинди. Ўзгариш парламент томонидан Конституцияга киритилди, 10 январь кунини эса конституциявий ўзгариш мамлакат Президенти Михаил Саакашвили томонидан имзоланди.

● Махаллий матбуот хабарларига кўра, Исроил прокуратураси мамлакат Бош вазири Эхуд Ольмертни молиявий фидрибгарлик ва коррупцияда айбловчи жиноий ишни бошлаш ниятида. Ҳукуматнинг ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчиси Мани Мазуз бош вазир Хитой сафаридан қайтгандан кейин жиноий текшириш бошланишини маълум қилди.

● Кўпгина минтақаларда об-ҳавонинг кескин исиб кетиши кузатилмоқда. Хусусан, Москвада ҳаво ҳарорати +8 даражага етган бўлса, Францияда 1985 йилдан буён илк бор киш мавсуми бўлишига қарамай, ёзги об-ҳаво ҳуқум сурмоқда. Бу ерда ҳатто кечалари ҳам ҳарорат +11 даражани ташкил этмоқда. АҚШда эса ноқулай об-ҳаво шароитлари Малибудаги 8 гектар ерда қучли ўрмон ёнғинларини келтириб чиқарди.

● Греция пойтахти Афина ва бошқа шаҳарларда қасба уюшмалари аъзолари ҳамда талабаларнинг норозилик намойишлари бўлиб ўтмоқда. Бунга ҳукуматнинг хусусий ўқув юртларини очиб тўғрисидаги режаси сабаб бўлди.

● Швейцариянинг Женева шаҳрида италиялик машҳур кинорежиссёр, 150 дан ортиқ фильмларга продюсерлик қилган Карло Понти 94 ёшида ҳаётдан кўз юмди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 13 январь кунини Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир, қор ёғади. Кечаси ва эрталаб айрим жойларда туман тушади. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-5 даража совуқ, кундузи 3-5 даража илқ бўлади.



ХУЛҚ-ОДОБ ГЎЗАЛЛИГИ

ИНСОННИНГ ХУЛҚ-ОДОБ ГЎЗАЛЛИГИ ҲАҚИДА ГАП КЕТАНДА, АВВАЛО ГЎЗАЛЛИК ТУШУНЧАСИНИНГ ЎЗИ НИМА, УНИНГ ИЛДИЗИ ВА МАНБАИ ҚАЕРДА ДЕГАН САВОЛЛАРГА ТЎХТАЛИБ ЎТМОҚ КЕРАК. ИНСОН ТАБИАТ ВА ҲАЁТИНИНГ ЭНГ ОЛИЙ МАҚСУЛИДИР. ГЎЗАЛЛИК ТАБИАТ МАНЗАРАСИ, БОРЛИКНИНГ ЭСТЕТИК МОҲИЯТИ, ТАБИАТ ГЎЗАЛЛИГИНИ ИФОДАЛАШ БИЛАН БИР ИНСОННИНГ ИЧКИ ВА ТАШҚИ ҚИЁФАСИНИ ҲАМ БЕЛГИЛАЙДИ.

Шоир Умар Хайём инсоннинг жамиятдаги ўрнини юксак баҳолаб, ўткир дид ва чуқур мулоҳаза билан унинг дунёда энг олий вужуд эканлигини куйидагича таърифлаган эди:

Дунёнинг тилаги,
самари ҳам биз,
Ақл кўзин қораси—
жавҳари ҳам биз,
Тўғарак жажонни узук
деб билсак,
Шаксиз унинг кўзи
гавҳари ҳам биз.

Ёзувчи Аҳмад Доғиш эса инсонни оламдан ҳам юқори қўяди. «Инсон буюк оламдир. Унга қараганда бу олам кичик одамдир»—деб ёзади у.

Баъзи бир мутафаккирлар инсоний гўзаллик—бу саломатлик деб, гўзаллиқни тор маънода тушунадилар.

Аммо жисмоний гўзаллик қанчалик устун ва нафис бўлмасин, у инсон гўзаллигининг бир асосий томонидир, холос. Аслида эса инсон гўзаллиги бундан кўра бирмунча мураккаб ва бойроқдир. Инсон фақатгина табиий хоссалари билан чегараланмай, балки фикр қилиши, тафаккури, онги, моддий бойликлари ишлаб чиқариши, ижод этиши би-

лан ўз маънавий ҳаётини ҳам яратди. Инсон гўзаллиги унинг ташқи кўринишида эмас, балки жисмоний чиройи, келишган қадди-қомати, юриш-туриши, хулқи-атвори, одоби ва ақл-идрокининг ички дунёси билан бир-бирига мос тушишидадир. Шундагина у чинакам гўзалдир. Туркман шоири Махтумқули гўзал инсонни куйидагича таърифлайди:

Гўзал бордир гўзалдан
зиёда,
Унинг хизматида
юринг келади.
Одобли, икромли,
хушхулқ, озода,
То ўлгуна бирга
бўлгинг келади.

Демак, шоирнинг таърифча, одобли, хушфелъ, мулоим, ўткир дид ва фаросатли киши гўзалдир, унинг учун ҳар қанча хизмат қилсанг, доимо унга йўлдош бўлсанг арзийди. У шундай дер экан, инсонга хос гўзал фазилатларни ҳар бир кишининг эътиқодида айлангаришга, қадр-қимматини ва ўз ҳурматини сақлашга даъват этади.

Фаробий инсоннинг маънавий бойлиги ва хулқ-оқибат гўзаллиги унинг ахлоқий муносабатларида намоён бўли-

шини айтади. «Дарахнинг етуклиги унинг меvasи билан ўлчанганлигидек инсоннинг барча хислатлари ҳам ахлоқи билан аянқланади»,— дейди.

Гўзаллик кўп қиррали ва сермазмун тушунчадир. Шунинг учун биз инсон гўзаллиги ва бу гўзаллик ахлоқ-оқибат доирасида намоён бўлиши ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Инсон жамият туфайли вужудга келган бўлиб, ижтимоий мавжудотга айланган. Меҳнатсиз жамиятнинг бўлиши ва тараққий этиши ҳам мумкин эмас. Жамият тараққийнинг бутун давомида яратилган барча моддий ва маънавий бойликлар инсон меҳнатининг самарасидир.

Инсон нима билан гўзал деган саволга мана бундай жавоб бериш мумкин. Ким қайси лавозим ва вазифада ишлашдан қатъи назар, у ўзининг серзавқ, сермазмун меҳнати, яхши кайфияти, ўзаро ёрдами ва сажийлиги, камтаринлиги, маданияти, қадр-қиммати ва хулқ-оқибати билан, ҳамжиҳат иш юритиши ва одамларга фойда келтириши билан гўзалдир.

Инсон қанчалик чиройли, келишган бўлмасин, ташқи кўриниши билан бошқаларни ўзига қанчалик жалб қилмасин, агар унда маънавий бойлик ва одоб қучли бўлмаса, бу шахсдан тезда ҳамманинг ихлоси кайтади. Одамларнинг ижобий хулқ фазилатлари ташқи кўриниши эмас, балки ақлий қобилият, поклик, шижоат, ғайрат ва қаноат, илм-эҳсон, юмшоқ табиатли, ифбат ва ҳаё, идрок ва фаросат, адолат ва итоат, муҳаббат ва олижаноблик каби фазилатларни қиритиш керак. Шундай фазилатларга эга бўлган кишини гўзал киши дейиш мумкин.

Фуркат СОЛИХОВ

БИРНИ КҮРИБ ФИКР ҚИЛ...

Ҳар кишиким бировга қозғай

Тошгай ул чоҳ узра ўзи ногоҳ,

Алишер Навоий

Кўпни кўрган, кўпни билган, оқу қорани таниган, турмушнинг паст-баланд сўқмоқларини покизалик билан босиб ўтган, жўяли маслаҳатларини бировдан аямайдиган бир мўйсафид киши йўлда кета туриб «иғвогар» номи билан машҳур одамни учратиб қолиб сўрабди:

— Жуда чехранг очик, димогинг чоғ, тинчликми?

— Одамларнинг мўлжалдаги ишлари битмаса, ишлари орқага кетса, фойда ўрнига зарар қурса, балоғатга етган ўғлини уйлантириб, қизини уза-та олмаса, теримга сиймай қувонаман.

— Абулқосим Фирдавсий ёмонлик ҳақида ёзганлар:

Бировга соғинса ҳар ким

Нихоят ул ўзи топмас омонлик.

— Инсонларга ёмонлик ўрнига яхшилик қила қолсанг бўлмайдими?

— Бўлмайди. Агар инсонларга яхшилик қилсам нафасим сиқиб, бўғилиб, касал бўлиб қоламан. Шунинг учун бу яхшиликларни сувга оқизиб юбора қоламан.

Саъдий Шерозий:

Узиб гулни бўлган эсанг

шодмон,

Тикан дардини тортасан

бегумон

— деб беҳиз айтмаганлар. Бундай иллат сенда қачон пайдо бўла қолди?

— деб сўрабди мўйсафид яна.

— Бу хислат менинг қонимда бор. Ҳизр бува кўр кишига учраб, «тила, тилагингни» деганларида, кўзим очилиб ёруғ дунёни кўрай демасдан, «Дунёдаги барча одамлар кўр бўлиб қолсин» деб сўраган инсон менинг катта бобокалоним бўладилар.

Мўйсафид бу осий бандига Яратгандан инсоф-товфик сўраб йўлда давом этар экан Саъдий Шерозийнинг икки сатр шеърини келтирибди:

Ёмон йўлга боргай ёмон

ҳар қачон,

Кўпинча йўлда ўлур мисли чаён.

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ

Бўш вақтингизда

«ЖАҲОН ФУТБОЛИ ЮЛДУЗЛАРИ» АЙЛАНМА КРОССВОРДИ

Шаклдаги рақам атрофига белгиланган хонадан соат миля йўналишида: 1. XVIII жаҳон чемпионатида Швейцария терма жамоаси таркибига кирган футболчи. 2. «Пахтакор» жамоаси сардори. 3. Ватанимиз футбол ривожига муҳим ҳисса қўшган тўпурар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий. 4. Франция футболчи юлдузи, мураббий. 5. Пеле билан сарфдош бўлган бразилиялик ўзига хос тўпурар. 6. Германия терма жамоаси ҳимоячиси. 7. Ўн бир метрлик жарима тўпларини моҳирона бажарувчи перулик дарвозабон. 8. Бразилиялик таниқли футболчи. 9. XX аср футболчи юлдузларидан бири. 10. Жаҳон чемпионатининг финал босқичидаги Россия—Камерун ўйнида бешта тўп киритган футболчи. 11. Илм футболчи совринга икки бор сазовор бўлган «Барселона» юлдузи. 12. Дунёга танилган ўзбек футболчиси. 13. Украина терма жамоаси ҳужумчиси. 14. Тринидад ва Табаго терма жамоаси ҳимоячиси. 15. Жаҳон чемпионати финал босқичларида ўнта тўп киритган перулик футболчи. 16. I жаҳон кубоги турни-

рида саккизта гол киритган Аргентина терма жамоаси футболчиси. 17. Жаҳон чемпионатининг Бразилия—Польша ўйнида тўрт тўп киритган футболчи. 18. Чехия терма жамоаси сардори.

19. Мамлакатимизнинг кучли зарбга қарабга муҳир

ти-миз-нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

нинг кучли зарбга муҳир

тўпурари. 20. Уругвай терма жамоаси сардори. 21. Швейцария ўтказилган VI жаҳон кубогига финал босқичининг беш юзичини тўпни киритган Шотландия футболчиси. 22. Англияда ўтказилган чемпионатда тўққизта гол урган португалиялик юлдуз. 23. Собик иттифок биринчилигида биринчи бўлиб юзта тўп киритишга эришган ҳужумчи. 24. Япония терма жамоаси сардори. 25. Бразилиялик моҳир футболчи. 26. «Барселона» жамоасининг 1994 йилги жаҳоннинг энг моҳир футболчиси номига эга бўлган азваси. 27. АҚШ терма жамоаси ҳимоячиси. 28. Илмнинг энг моҳир футболчиси совринга уч бор сазовор бўлган бразилиялик тўпурар. 29. Португалия терма жамоаси дарвозабони. 30. Жаҳон чемпионатининг XIII-XIV турнирларида иштирок этиб, ўнта гол киритган инглиз тўпурари.

Муаммонома

Кроссворд жавобларидан қуйдаги рақамлар жуфтини (биринчиси сўз, иккинчиси ҳарф тартибини англатади) ҳарфлар билан алмаштиринг. 7-1, 3-9, 19-2, 28-4, 9-6. Уларда жаҳон чемпионати финал турнирининг энг биринчи голини киритган футболчи аён бўлади.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

Газетанинг 2006 йил 24 ноябрь со-

нида берилган

СКАНВОРДИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Энига: Заманшарий, Зафар, Асвон.

Аратар, Батут, Қадр, Босим, «Иж», Қон.

Она, Аёл, Нав, Камар, Кон.

Бўйига: Андижон, Иш, «Рустам», Зар.

Рам, Динор, Араб, «Дайди», Ва, Афанди.

Завқий, Тарок, Аудио, Ён, Бола, Ака.

Калит сўз: «Муҳаббатнома» (Хоразмий достони).

Газетанинг 2006 йил 24 ноябрь со-

нида берилган

СКАНВОРДИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Энига: Заманшарий, Зафар, Асвон.

Аратар, Батут, Қадр, Босим, «Иж», Қон.

Она, Аёл, Нав, Камар, Кон.

Бўйига: Андижон, Иш, «Рустам», Зар.

Рам, Динор, Араб, «Дайди», Ва, Афанди.

Завқий, Тарок, Аудио, Ён, Бола, Ака.

Калит сўз: «Муҳаббатнома» (Хоразмий достони).

Газетанинг 2006 йил 24 ноябрь со-

нида берилган

СКАНВОРДИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Энига: Заманшарий, Зафар, Асвон.

Аратар, Батут, Қадр, Босим, «Иж», Қон.

Она, Аёл, Нав, Камар, Кон.

Бўйига: Андижон, Иш, «Рустам», Зар.

Рам, Динор, Араб, «Дайди», Ва, Афанди.

Завқий, Тарок, Аудио, Ён, Бола, Ака.

Калит сўз: «Муҳаббатнома» (Хоразмий достони).

Газетанинг 2006 йил 24 ноябрь со-

нида берилган

СКАНВОРДИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Энига: Заманшарий, Зафар, Асвон.

Аратар, Батут, Қадр, Босим, «Иж», Қон.

Она, Аёл, Нав, Камар, Кон.

Бўйига: Андижон, Иш, «Рустам», Зар.

Рам, Динор, Араб, «Дайди», Ва, Афанди.

Завқий, Тарок, Аудио, Ён, Бола, Ака.

Калит сўз: «Муҳаббатнома» (Хоразмий достони).

Газетанинг 2006 йил 24 ноябрь со-

нида берилган

СКАНВОРДИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Энига: Заманшарий, Зафар, Асвон.

Аратар, Батут, Қадр, Босим, «Иж», Қон.

Она, Аёл, Нав, Камар, Кон.

Бўйига: Андижон, Иш, «Рустам», Зар.

Рам, Динор, Араб, «Дайди», Ва, Афанди.

Завқий, Тарок, Аудио, Ён, Бола, Ака.

Калит сўз: «Муҳаббатнома» (Хоразмий достони).

Газетанинг 2006 йил 24 ноябрь со-

нида берилган

СКАНВОРДИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Энига: Заманшарий, Зафар, Асвон.

Аратар, Батут, Қадр, Босим, «Иж», Қон.

Она, Аёл, Нав, Камар, Кон.

Бўйига: Андижон, Иш, «Рустам», Зар.

Рам, Динор, Араб, «Дайди», Ва, Афанди.

Завқий, Тарок, Аудио, Ён, Бола, Ака.

Калит сўз: «Муҳаббатнома» (Хоразмий достони).

Газетанинг 2006 йил 24 ноябрь со-

нида берилган

СКАНВОРДИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Энига: Заманшарий, Зафар, Асвон.

Аратар, Батут, Қадр, Босим, «Иж», Қон.

Она, Аёл, Нав, Камар, Кон.

